
Таъмирлаш ишлари сабабли эртага туманнинг айрим ҳудудларида электр таъминотида вақтинчалик узилишлар бўлади

“Фарғона ҳудудий электр тармоқлари корхонаси” АЖнинг тегишли хабарномасига асосан, эртага 2023 йил 10 август куни 110/10 кВли “Гулистон” нимстанциясининг Т-1 трансформаторида жорий таъмирлаш ишлари олиб борилади.

Шу боисдан, мазкур нимстанциядан таъминланувчи **Кўл Элаш, Тинчлик, Қумбосди, Қирқкетмон, Олмазор** ва **Қайнарбулоқ** маҳаллаларидаги истеъмолчиларнинг электр таъминотида **эртага, 10 август куни соат 09:00 дан 17:00 гача** вақтинчалик узилиш кузатилади.

Ҳурматли истеъмолчилар! Юқорида кўрсатилган вақт давомида зарур эҳтиёт чораларини кўришингиз лозимлигини эслатган ҳолда, келтирилган вақтинчалик ноқулайликлар учун узр сўраймиз.

Ўзбекистон тумани электр таъминоти корхонаси

Мурожаат учун телефон: ☎ **(95) 402-13-52, (73) 539-16-03**

2023-08-09 09:19:31